

## САНОАТ КЛАСТЕРЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Мамадалиев Аназхон Зиёдиллаевич.*

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

*Машинасозлик факультети декан ўринбосари*

*e-mail: anazkhon@mail.ru*

*+998941557785*

**Мақола аннотацияси (Abstract).** Мазкур мақолада саноат кластерлари субъектлари ва уларнинг инновацион ҳамкорлик фаолиятининг илмий ва назарий жиҳатлари ва саноат кластерларининг инновацион ривожлантиришининг аҳамияти, долзарб тадқиқот сифатида замонавий шароитда инновацион йўлдаги муаммолар, корхоналарни инновацион ривожлантиришининг назарий асослари кўриб чиқилган. Шунингдек, келтириб ўтилган назарий талқинлар саноат кластерларининг мазмун ва моҳиятини аниқлаб олишга ёрдам беради.

**Калим сўзлар:** кластер, саноат кластерлари, инновация, агломерация, синергия, интеграция, бошқариш, ҳамкорлик ишчи кучи, технология, меҳнат ресурслари, капитал, инвестиция оқимлари.

### 1. Кириш (Introduction)

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб саноатининг инновацион ривожлантиришининг янги тизими, рақобатда устунликни таъминлаш стратегияси сифатида – саноат кластерларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратила бошланди. Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда<sup>98</sup> Саноат кластерлари мамлакатлар ва минтақадаги иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар инновацион фаолиятни, технологик тараққиётни, ҳамкорликни ва рақобатбардошликни оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан аралаш турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига харажатларнинг камайирилиши ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тақозо этади.

Саноат кластерлари субъектларининг инновацион фаолиятининг муваффақияти кўп ҳолатларда аъзолар ўртасидаги тўғри йўлга қўйилган ҳамкорликка боғлиқ. Кластерлардаги турли компаниялар, тадқиқот марказлари ва таълим муассасалари ўзаро кўплаб тажриба ва билимлар алмашинувини амалга оширади. Бу эса ҳамкорликда тажриба алмашинуви, ресурсларни тақсимлаш, ва янги технологияларни ишлаб чиқиш имкониятларини яратади. Мақсад биргаликда ишлаш ва янги имкониятларни топиш орқали инновацион жараёнларни ривожлантиришдир.

<sup>98</sup> Ўзбекистон республикаси президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли фармони

## II. Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Саноат кластерлари субъектларининг инновацион ҳамкорликларини самарали амалга ошириш бўйича турли даврларда олимлар томонидан илмий, назарий таҳлил ва тадқиқотлар олиб борилган. Бундай тадқиқотлар асосан, иқтисодиёт, инновациялар, рақобатдошлик ва кластерлашиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган. Келтирилган адабиётлар саноат кластерлари назариясини ва амалиётини тўла қамраб олиш учун муҳим манбаалар ҳисобланади.

Кластерлар саноат тармоғи ва миллий иқтисодиётни глобал рақобатли устунлигини таъминловчи асосий йўналиш сифатида қаралади. Бу борада Америкалик олимлар М.Портернинг «Рақобатда устунлик назарияси»<sup>99</sup>, М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценнинг «Минтақавий кластерлар концепцияси»<sup>100</sup>, А.Маршаллнинг «саноат ҳудудлари назарияси»<sup>101</sup>, П.Бекатиннинг «Италян саноат округлари назариялари»<sup>102</sup>, М.Сторпернинг «идеалҳудудий кластер» назариялари яратилган. Қўшилган қиймат ва «кластерлар занжири уйғунлиги» каби назариялар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Келтирилган назарияларида кластер - ишлаб чиқарувчиларга рақобат устунлигини таъминлашда юқори самарали усул сифатида ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги назарда тутилган.

Михаэль Портер томонидан олиб борилган тадқиқотда кластерларнинг рақобатдошликдаги аҳамиятини ва инновацияларни рағбатлантиришдаги ролни муҳокама қилинади. Бу тадқиқотда кластерлар инновацион ва рақобатни ошириш учун муҳим инструмент эканлиги исботланади.<sup>103</sup>

Кластерлар учун технология ва билимлар рақобатдош устунликни таъминловчи асосий омил эканлиги Когут ва Зандер<sup>104</sup> тадқиқотларида асосланган бўлса, ушбу манбадан максимал даражада фойдаланиш учун кластерлар технологик трансферларни амалга ошириши лозимлиги Бруун ва Беннетт<sup>105</sup> ҳамда Лин<sup>106</sup> тадқиқотларида асосланган. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлардаги илмий-тадқиқот ишлари технологик имкониятлари чекланган корхоналарнинг ўзaro интеграциялаш асосида барқарор рақобатбардош устунликка эришиши кенг ўрганилган. Технологиялар трансфери ва ўзaro бир бирини тўлдирувчи боғлиқ корхоналар ўртасида

<sup>99</sup>Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993. С. 51,

<sup>100</sup>Enright M. Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda, in Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”: Walter de Gruyter, pp. 190- 213.

<sup>101</sup>Маршалл А. Принципы экономической науки, т. I – III. Пер. с англ. — М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.

<sup>102</sup>Бекатини П. - Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts»/ [www.copetitivness.org](http://www.copetitivness.org). 2015

<sup>103</sup>М Портер «Clusters and the New Economics of Competition» (Harvard Business Review, 1998)

<sup>104</sup>Kogut, B., Zander, U., 1993. Knowledge of the firm and evolutionary theory of the multinational corporation. Journal of International Business Studies 24 (4), 625–645.

<sup>105</sup>Bruun, P., Bennett, D., 2002. Transfer of technology to China: a Scandinavian and European perspective. European Management Journal February 20 (1), 98–106.

<sup>106</sup>Lin, B.-W., 2003. Technology transfer as technological learning: a source of competitive advantage for firms with limited R&D resources. R&D Management 33 (3), 327–341.

мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш саноат кластерларини шакллантиришга ёрдам беради ва рақобатдошликни таъминлайди.

Кучли саноат кластерлари маҳаллий корхоналарга қараганда инновацияларни кўпроқ амалга оширувчилар ҳисобланади ва унинг асосий сабабларидан бири бу технологик билимлардир. Саноат кластерини шакллантириш шартларида инсон ресурслари сифати, технологик билимлар, капитал, бенуқсон инфратузилма ва технологиялар асосий омил эканлиги М.Портернинг<sup>107</sup> кўплаб тадқиқотларида келтирилган.

### III. Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Ўзбекистон республикасида 2017 йилдан кейинги йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда, шунингдек, соҳанинг йиллик экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди.<sup>108</sup>

Саноат кластерлари иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади, чунки улар инновацион фаолият ва технологик тараққиётга ҳисса қўшиш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишга ёрдам беради. Кластерлар, бир ёки бир неча ишлаб чиқариш соҳаларидаги компаниялар ва ташкилотларни бирлаштириш орқали, уларнинг умумий мақсадларга эришиш самарадорлигини таъминлайди.

Улар иқтисодий ўсишни таъминлашда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, инновацияларни жорий этишда ва рақобатбардошликни оширишда муҳим роль ўйнайди. Саноат кластерларининг ташкил этилиши ва уларнинг инновацион фаолияти миллий иқтисодиётда муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шу боисдан, саноат кластерлари субъектларининг инновацион фаолияти ва уларнинг ҳамкорлигининг назарий ва илмий жиҳатларига аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Кластер-географик нуктаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ корхоналар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва ҳақозо) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмали компаниялар) гуруҳи ҳисобланади<sup>109</sup>

**Саноат кластерлари** мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, уларнинг илмий ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали кластерларни ривожланишига

<sup>107</sup> Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 454 с.

<sup>108</sup> Ўзбекистон республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-2 сонли қарори

<sup>109</sup> Аҳмаджон Солиев, Зиёдулла Ҳакимов. “Кластер” назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари. BIZNES - ЭКСПЕРТ 1 ((73)-2014), 6

катта таъсир кўрсатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби, кластерлар ягона интеграцияланган тизим сифатида ишлашлари ва илм-фан, тадқиқотлар, инновациялар ва амалиётни биргаликда ривожлантиришга ёрдам беришидир.

**Саноат кластерларининг субъектлари** жуда хилма-хил ҳисобланиб, ҳар бир субъектнинг ўзининг махсус вазифалари ва фаолият йўналишлари бор. Улар биргаликда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг ривожига ҳисса қўшишга хизмат қилади. Кластерлар орқали субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодий ўсиш ва рақобатни кучайтиришга ёрдам беради.

**Саноат кластерларининг субъектлари** бу кластер тузилмасига кирувчи турли хил корхоналар ва ташкилотлардир. Улар биргаликда ишлаб чиқариш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Саноат кластерлари субъектлари қуйидаги асосий категорияларга бўлиниши мумкин

1. Ишлаб чиқарувчилар (Корхоналар)-ишлаб чиқарувчилар саноат кластерининг асосий субъекти ҳисобланади. Бу компаниялар, одатда, маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки хом ашёни қайта ишлайди. Уларнинг фаолияти кластернинг маҳсулотлари ва хизматларининг ривожига, сифат ва самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

2. Таъминловчилар (ёки етказиб берувчилар) — бу хом ашё, материаллар ёки компонентларни ишлаб чиқарувчи ва кластер иштирокчиларини ушбу ресурслар билан таъминловчи корхоналар.

3. Саноат кластерларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи асосий субъектлари бу илмий-тадқиқот муассасалари (университетлар, тадқиқот марказлари, лабораториялар) ҳисобланади. Улар янги технологиялар ва ишлаб чиқариш усуллари ишлаб чиқишда асосий роль ўйнайдилар.

4. **Инвесторлар ва молиялаштириш ташкилотлари**-кластердаги **инвесторлар** (венчур капитали, давлат ва хусусий молиялаштириш ташкилотлари) инновацион лойиҳаларга сармоя киритиш ва тадқиқотлар, янгиланган технологиялар ёки ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштиришга катта ҳисса қўшадилар.

5. **Таъминот ва логистика хизматлари**-кластерларда **таъминот ва логистика хизматлари** кўпинча муҳим бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ёрдам беради. Бу компаниялар транспорт, омборлаш, ёки маҳсулотларни етказиш билан шуғулланадилар.

6. Саноат кластерларини субъекти сифатида **кичик ва ўрта бизнес** ҳам муҳим ўрин тутди. Бу бизнеслар кўп ҳолларда инновацион ғоялар ва янги технологияларни жорий қилиш учун муҳим манба бўлиши мумкин.

Кластерлар аъзоларининг ўзаро инновацион ҳамкорлик қилиш орқали рақобатбардошликни ошириш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда **саноат кластерлари субъектларининг инновацион фаолияти самарали йўлга қўйиш орқали** ҳамкорликда интеллектуал мулкдан фойдаланиш, бозорлардаги рақобатни ўрганиш ва глобал бозорларга киришда имкониятлар эшигини очиб беради.

Кластерлар аъзолари ўзаро инновацион ҳамкорлик алоқалар орқали янги ғоялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Инновацион фаолият нафақат янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, балки амалга оширилаётган технологияларнинг самарадорлигини ошириш, хизматларни модернизация қилиш ва шу орқали маҳсулотларнинг глобал бозорларда рақобат қилиш қобилиятини оширишга ҳам қаратилган.

Саноат кластерларининг инновацион фаолиятининг муваффақияти кўп ҳолатларда аъзолар ўртасидаги ҳамкорликка боғлиқ. Кластерлардаги турли компаниялар, тадқиқот марказлари ва таълим муассасалари ўзаро кўплаб тажриба ва билимлар алмашинувини амалга оширади. Бу ҳамкорлик тажриба алмашинуви, ресурсларни тақсимлаш, ва ҳамкорликда янги технологияларни ишлаб чиқиш имкониятларини яратади. Мақсад биргаликда ишлаш ва янги имкониятларни топиш орқали инновацион жараёнларни ривожлантиришдир.

Саноат кластерларининг ўзаро инновацион ҳамкорлик ёндашувларни янгиликларни жорий қилиш ва миллий ва глобал бозорларда рақобатбардошликни оширишга олиб келди.

Ҳар қандай ҳамкорликдаги каби, саноат кластерларида ҳам ижобий ва салбий жиҳатлар мавжуд. Ижобий томонларидан, биринчи навбатда, янгидан янги технологиялар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти, ресурсларни самарали тақсимлаш, ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш келиб чиқади. Ушбу ҳамкорлик, шунингдек, талабга жавоб берувчи инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун муҳим имконият яратади.

Саноат кластерларида ҳамкорликнинг ижобий жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳар бир аъзо ўзининг ресурсларини самарали тақсимлаш орқали умумий мақсадларга эришишга ёрдам беради. Бундан ташқари, янги технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқиш имкониятлари яратилади

Аммо, салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Саноат кластерларида кўпчилик компаниялар ўртасида ресурсларни тақсимлашдаги ўзаро рақобат ҳамкорликнинг самарадорлигини пасайтириши мумкин. Ушбу рақобатнинг тўсқинликлари инновацион фаолиятга зарар етказиши мумкин. Шунингдек, кўпчилик ҳолларда, катта компаниялар кичиклардан кўра кўпроқ фойда олишга уринади, бу эса ҳамкорлик муҳитини йўқотишга олиб келиши мумкин. Салбий жиҳатлари яна бири эса, ресурслар тақсимоли, рақобат ва технологик тўсқинликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

#### **IV.Хулоса ва таклифлар**

Саноат кластерлари субъектларининг инновацион фаолияти ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги иқтисодий ривожланишнинг муҳими ҳисобланади. Кластерлар, уларнинг аъзоларининг ҳамкорлик қилиши орқали янги ғоялар ишлаб чиқиш, инновацион технологиялар жорий қилиш ва бозорларда рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Инновацион ҳамкорлик технологик тараққиёт, янги ишлаб чиқариш усуллари ва глобал бозордаги рақобатни яхшилашга катта ҳисса қўшади. саноат кластерлари субъектларининг инновацион фаолияти ва ҳамкорлиги иқтисодий ўсиш ва ривожланишда муҳим



ўрин тутади. Кластерлардаги ҳамкорлик инновацион технологияларни жорий қилишга, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишга ва янги маҳсулотларни яратишга имконият яратади.

Кластерларнинг инновацион фаолияти ва ҳамкорлиги жаҳон иқтисодиётида аҳамиятли даражада ривожланиб бормоқда. Бу жараённинг муваффақиятли бўлиши учун янги инновацион имкониятлар ва ҳамкорликдаги устунликлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

#### **V.Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-2 сонли қарори
2. Аҳмаджон Солиев, Зиёдулла Ҳақимов. “Кластер” назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари. BIZNES - ЭКСПЕРТ 1 ((73)-2014), 6
3. Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993. С. 51,
4. Enright M. Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda, in Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”: Walter de Gruyter, pp. 190- 213.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки, т. I – III. Пер. с англ. — М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.
6. Бегаттин П. - Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts»/ [www.copetivness.org](http://www.copetivness.org). 2015.
7. М Портер “Clusters and the New Economics of Competition” (Harvard Business Review, 1998)
- 8 Kogut, B., Zander, U., 1993. Knowledge of the firm and evolutionary theory of the multinational corporation. Journal of International Business Studies 24 (4), 625–645.
9. Bruun, P., Bennett, D., 2002. Transfer of technology to China: a Scandinavian and European perspective. European Management Journal February 20 (1), 98–106.
10. Lin, B.-W., 2003. Technology transfer as technological learning: a source of competitive advantage for firms with limited R&D resources. R&D Management 33 (3), 327–341.
11. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 454 с.